

## МИНТАҚАДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Беҳзод Ҳамидович Қўзибоев,  
УРДУ магистранти

E-mail: [ursu\\_economics\\_behzod@mail.ru](mailto:ursu_economics_behzod@mail.ru)

**Аннотация:** Уибу мақолада минтақа иқтисодиётини ривожлантиришида туризм соҳасининг роли қўрсатиб берилган. Шунингдек, минтақада туризм соҳасининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиниб, уни истиқболда ривожлантириши бўйича холоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

**Аннотация:** В статье показаны роль сферы туризм в экономическом развитии региона. А также, анализировано нынешнее состояние сферы туризм в регионе, даны выводы, предложения и рекомендации по дальнейшему развитию этой сферы.

**Abstract:** In this article the role of tourism sector on development of the economy of the region is shown. And also, the current condition of tourism sector of the region is analysed, conclusions, suggestions and recommendations are given for further development of this sector.

**Калим сўзлар:** минтақа, ҳудуд, комплекс, туризм, сайёҳ, омил, туристик инфраструктура, экотуризм, рекреацион туризм, агротуризм.

### Кириш

Иқтисодиётни модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш шароитида минтақаларни комплекс ривожлантириш алоҳида ўрин тутади. Хусусан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Вазирлар Маҳкамасининг “мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишлиган кенгайтирилган мажлиси”даги маърузасида худудларни комплекс ва интенсив равишда ривожлантириш борасида қабул қилинган янги мақсадли дастурларни амалга ошириш бўйича муҳим вазифа ва чораларни белгилаб бердилар [1].

Бу чора-тадбирлар Президентимизнинг худудларда бўлган сафарларида янада устувор аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, Президентимиз ўзининг 2017 йил 27 январдаги Хоразм вилоятига ташрифи мобайнида “Хоразм вилояти худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга доир қўшимча чора тадбирлар дастури” ишлаб чиқилганини ва 2017 йил 17 январдаги маҳсус қарор билан тасдиқланганлигини айтиб ўтдилар [11].

Минтақаларни комплекс ривожлантиришга минтақа хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш лозим. Айнан, Ўзбекистон Республикаси ва унинг минтақалари (Самарқанд, Бухоро, Хоразм) га хос бўлган хусусиятлардан бири – туризм соҳасидир.

Хусусан, Президентимиз вилоятнинг туризм соҳаси мутахассислари билан учрашуvida келгусида мамлакатимизни барқарор ривожлантиришда туризм

соҳасини муҳим ўрин эгаллашини, ушбу тармоқни тараққий топишига давлатимиз томонидан катта эътибор берилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Шу билан биргаликда, Президентимиз ўз нутқида, сайёҳлик мамлакатимиз валюта тушумларини кўпайтиришнинг муҳим манбай бўлиши билан бирга энг асосийси юзлаб иш ўринларини очиш имконини беришини айтиб ўтдилар [11].

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Россиялик иқтисодчи олим М.А.Винокуров туризмга “Туризм бу – ҳордиқ чиқариш, даволаниш, спорт билан шуғулланиш, зиёрат қилиш, бизнес қилиш мақсадида инсон томонидан бўш вақтда амалга ошириладиган саёҳатдир” деб таъриф берган [8].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим И.С.Тўхлиевнинг таърифига кўра, туризм бу – туристлар томонидан амалга ошириувчи, аниқ белгиланган туристик мақсадларга эга оммавий саёҳатлар туридир [4].

Фикримизча, туризм бу – дам олишни ташкиллаштиришнинг муракқаб ва оммавий ҳодисаси ва шакли, ташқи дунёни билиш учун имкон, хизматлар ва бизнес соҳасида минтақалараро ва халқаро ҳамкорлик майдони, минтақа ва давлат сиёсатининг бир қисми ҳисобланади.

Аввало, туризмни ривожлантириш ўзига хос табиатига кўра бир қатор ресурсларга, шу жумладан, географик омил ва минтақа хусусиятларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам юқори туризм салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантиришни мақсад қиласр эканмиз, буни амалга оширишга минтақавий жиҳатдан ёндашиш лозим. Чунки, минтақаларда туризмни ривожлантириш бутун бир мамлакат туризм соҳасининг ривожланишига ҳисса қўшади.

Минтақавий туризмга Россиялик иқтисодчи Е.А.Зализняк “Минтақавий туризм – бу маълум бир ҳудуддаги туристик эҳтиёжларнинг қондирилиши ва унинг ривожланиши учун зарур бўлган бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган функцияларни бажариш учун ташкил қилинган муракқаб тизимдир”, деб таъриф берган [7].

Минтақавий туризмни ривожлантиришда туризм бозори муҳим ўрин тутади. Россиялик иқтисодчи И.Т.Балабановнинг фикрича, “Туризм бозори-туристик маҳсулот истеъмолчилари ва сотувчилари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат” [5].

Минтақавий туризм бозорининг асосий обьектларидан бири – туристик хизматлар бўлиб, Россиялик иқтисодчилар И.В.Зорин ва В.А.Квартальновлар туристик хизматларга қўйидагича таъриф берадилар: Туристик хизматлар - бу туристик эҳтиёжларни қондирувчи асосий, қўшимча ва комплекс хизматлар мажмуидир. Улар асосий хизматларга сайёҳликни ташкил қилиш ва ўтказиш учун зарур хизматлар, қўшимча хизматларга саёҳат ўз ичига олмаган ва эҳтиёж бўлган ҳолда дам олиш жойида тақдим қилинадиган хизматлар, комплекс хизматларга чиптада кафолатланган туристик хизматлар мажмуини киритганлар [6].

Хорижий сайёҳларга кўрсатиладиган ҳар қандай туристик хизматлар экспорт қилиш билан баробар бўлиб, бу четдан келадиган валюта тушумларини кўпайишига замин яратади.

## Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда қиёсий таҳлил, мантиқий таҳлил, тизимли таҳлил, статистик гурухлаш, синтез, SWOT-таҳлил, индукция, дедукция ва сұхбат усууларидан фойдаланилди.

## Таҳлил ва натижалар


Кейинги йилларда Хоразм вилоятининг туризм соҳаси Президентимиз ва ҳукуматнинг эътибори натижасида шиддатли равищда ривожланиб бормоқда. Ҳусусан, Хоразм вилоятига 2015 йилда жами 63,3 мингдан ортиқ ва 2016 йилда 75,8 мингдан ортиқ хорижий ва маҳаллий сайёҳлар ташриф буюрган. Шундан, 2015 йилда 40,6 мингга яқин ҳамда 2016 йилда 46,6 мингдан ортиқ хорижий сайёҳлар ташриф буюрган ва бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 2016 йилда 15 фоизга ошган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### 2012-2016 йилларда Хоразм вилоятига келган ва вилоятдан хорижга чиққан сайёҳлар сони [10].

№	Йиллар	Келган сайёҳлар сони(минг)			Хорижга чиққан сайёҳлар сони (нафар)	
		жами	Шундан			
			хорижий	маҳаллий		
1	2012	63,6	47,4	16,2	100	
2	2013	73,3	53,3	20	269	
3	2014	67,7	46,2	21,5	72	
4	2015	63,4	40,6	22,8	88	
5	2016	75,8	46,6	29,2	135	

Шунингдек, Хоразм вилоятига 2015 йилда дунёнинг 82 тадан ортиқ мамлакатидан хорижий сайёҳлар ташриф буюрган. 2016 йилда эса дунёнинг 84 тадан ортиқ давлатидан хорижий сайёҳлар келган.



1-расм. 2015-2016 йилларда Хоразм вилоятига дунёнинг 5 та етакчи мамлакатидан энг кўп ташриф буюрган сайёҳлар ўсиш динамикаси [10].

1-расмга асосан 2015 йилда Хоразм вилоятига дунёning етакчи мамлакатларидан бўлган Германиядан 4953 нафар, Франциядан 4696 нафар, Италиядан 3034 нафар, Испаниядан 2471 нафар, Япониядан 2058 нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлса, 2016 йилда эса Германиядан 5378 нафар, Франциядан 6128 нафар, Италиядан 3748 нафар, Испаниядан 2369 нафар, Япониядан 3017 нафар сайёҳ воҳамизга ташриф буюрган.

Шу билан биргаликда, МДҲ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) давлатларидан 2015 йил давомида 5767 нафар ва 2016 йилда 6600 нафар сайёҳлар ташриф буюрган ва 14 фоизга ошган.

Бундан ташқари, маҳаллий сайёҳлар сони 2015 йилда 22767 нафар ва 2016 йилда 29200 нафардан ортиқни ташкил қилиб, 28 фоизга ошган (2-жадвал).

## **2-жадвал**

### **2015- 2016 йилларда вилоятда жами қабул қилинган сайёҳлар (минг киши) [10].**

№	Жами қабул қилинган сайёҳлар, шу жумладан:	2015 йил	2016 йил	Ўсиш тенденцияси (фоиз ҳисобида)
1	2	3	4	5
1	Ўзбекистон Республикаси фуқаролари	22,767	29,201	28
2	Хорижий фуқаролар	34,822	40,014	15
3	МДҲ мамлакатлари фуқаролари	5,767	6,600	14
	Жами	63,356	75,815	20

Минтақада туризм соҳасини ривожлантиришга бир неча омиллар таъсир қилиб, уларнинг асосийлари қуидагилар ҳисобланади:

## **3-жадвал**

### **Минтақавий туризмни ривожлантиришнинг асосий шартлари**

Асосий блоклар	Тузилмавий элементлар
1	2
Туристик ресурс омиллар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- табиий-географик ресурслар;</li> <li>- тарихий-маданий ресурслар;</li> <li>- замонавий туристик ресурслар. Булар, минтақавий туризмнинг ривожланиш асосларини ташкил этади.</li> </ul>
Ижтимоий-иктисодий омиллар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- туристик эҳтиёжларнинг бажарилиши;</li> <li>- маҳаллий ишчи кучи билан таъминланганлиқ;</li> <li>- туризмнинг ривожланган турлари ҳақида маълумотларнинг мавжудлиги.</li> </ul>
Ташкилий-бошқарув омиллар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- минтақада туристик фаолиятнинг ташкил этилиши ва унинг молиялаштирилиши;</li> <li>- туристик инфратузилмаларни ривожлантириш;</li> <li>- минтақанинг транспорт имкониятлари;</li> <li>- туризмни ривожлантиришни минтақавий режалаштириш ва бошқариш;</li> <li>- минтақадаги туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш.</li> </ul>

**Манба: Фойдаланилган адабиётлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.**

**Туристик ресурс омиллар.** Мазкур омиллар минтақада туризм соҳасини ривожлантиришда пойдевор вазифасини бажаради. Хоразм вилояти ҳам ўзининг қуидаги туристик ресурсларига эга (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Хоразм вилоятининг туристик ресурслари ва ҳудудлари [3]

Туристик ресурслар	Таркиби	Минтақа ҳудудларида тарқалиши
1	2	3
Табиий ресурслар ҳамда биологик хилма-хиллик	Чўлларнинг табиати, ер усти рельефи, флора ва фаунаси	Бутун вилоят ҳудудида
Амударё ва унинг ҳавзаси	Дарё, унинг соҳилидаги рекреация ресурслари, дарё ўзанидаги тўқайзор ва ўрмонлар, ўсимликлар дунёси	Боғот, Хонқа, Урганч, Ҳазорасп туманлари
Археологик туризм ресурслари	Қадимий Хоразм пойтахтлари олтин ҳалқаси, қадимий қалъалар, археологик топилмалар	Хива, Урганч, Шовот, Ҳазорасп, Кўшкўпир туманлари
Тарихий обидалар билан боғлиқ ресурслар	Тарихий обидалар	Хива, Урганч шаҳарлари ва Шовот, Боғот, Ҳазорасп, Янгиарик туманлари
Диний зиёратгоҳлар	Султон Увайс, Юсуф Ҳамадоний, Паҳлавон Маҳмуд, Шайхмухтовали, Норимжон бобо зиёратгоҳлари ва вилоят туманларидағи бошқа муқаддас қадамжолар	Хива, Урганч, Боғот, Янгиарик туманлари
Туризмнинг маҳсус тури ресурслари	Хунармандчилик, урфодатлар, миллий санъат ва ўйинлар	Бутун вилоят ҳудудида


Мана шундай беқиёс табиий-географик, тарихий-маданий ва замонавий туристик ресурсларга эга бўлган воҳамиз ҳақида дунё аҳлини хабардор қилиш ва бу ерга имкон қадар кўпроқ хорижий сайёҳларни жалб этиш ушбу соҳани яқин келажакда ривожлантиришнинг энг долзарб вазифалари дандир.

**Ижтимоий-иқтисодий омиллар.** Туристик эҳтиёжларнинг бажарилишига дикқатимизни қаратадиган бўлсак, вилоятда хорижий ва маҳаллий сайёҳларга кўрсатилган жами хизматлар ҳажми 2015 йилда 8757,2 млн. сўм ва 2016 йилда 11389,9 млн сўмдан ортиқни ташкил қилиб, 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 30 фоиздан ошган.

Бундан ташқари, хорижий сайёҳларга кўрсатилган экспорт хизмати ҳажми 2015 йилда 1,9 млн.долларни ва 2016 йилда 2,3 млн АҚШ долларини ташкил қилиб, 20 фоиздан ошган [10].

Туристик эҳтиёжларни бажарилиши учун хизмат қиласидиган сайёҳлик ташкилотлари сони 2012 йилдаги 36 тадан 2016 йилда 72 тага, шундан меҳмонхоналар сони 23 тадан 52 тага (Урганч шаҳрида 12 та, Хива туманида 34 та, Ҳазорасп туманида 4 та ва Гурлан туманида 2 та), туроператор ва

турагентлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар сони 7 тадан 20 тага етди (Урганч шаҳрида 9та, Хива туманида 8та, Урганч туманида 1 та, Хазорасп туманида 1 та ва Бофот туманида 1 та) (2-расм).



**2-расм. 2012-2016 йилларда Хоразм вилояти туризм соҳасида фаолият кўрсатувчи ташкилотлар сонининг ўсиш динамикаси [10].**

Шулар билан биргаликда, вилоятда *туризм соҳасида маҳаллий ишчи кучи билан таъминланганлик даражаси* ҳам йил сайнин ўсиб бормоқда. Жумладан, 2008 йилдан УрДУ “Туризм ва иқтисодиёт факультети” таркибида “Туризм” кафедрасига асос солиниб, бакалавр мутахассислар тайёрлана бошланди ва 2013 йилдан ушбу кафедрада “Туризм (фаолият турлари)” мутахассислиги бўйича магистратура таълими ташкил этилди. “Туризм” йўналиши бўйича 2016 йилгача 238 нафар бакалаврлар ва 8 нафар магистрантлар тайёрланди. Шунингдек, вилоятда туризм мутахассислигига ихтисослашган 3 та касб-хунар коллажлари мавжуд бўлиб, улардан йилига 390 нафарга яқин мутахассислар этишиб чиқмоқда.

Туризм бўйича олий ва ўрта маҳсус таълим битирувчиларидан ҳар йили 90-95 фоизи туризм бўйича ишга жойлашиб, соҳа ривожига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар [9]. Туризм бўйича малакали кадрлар тайёрлаш соҳани маҳаллий ишчи кучи билан таъминлашга замин яратади.

Минтақада туризм соҳасини ривожлантиришда *туризмнинг ривожланган турлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши* ва уларни амалиётга татбиқ этиш муҳимдир. Хоразм вилоятида кейинги йилларда замонавий туризм турларидан экотуризм, рекреацион туризм ва агротуризм ривожлана бошлади. Қолаверса, ушбу замонавий турдаги туристик хизматларни ривожлантириш учун вилоятда барча имкониятлар мавжуд (5-жадвал).

Шунингдек, туризм соҳаси бўйичи иқтисодчи олим, и.ф.н., доц. У.Р.Матякубов билан ўтказилган сұхбатда минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда, хусусан, қишлоқ жойларида аҳоли даромадини ошириш ва маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашда бугунги кунда туризмнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган агротуризм хизматларини ташкил қилиниши

лозимлиги ва вилоятда ушбу туризм турини самарали ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд эканлиги алоҳида қайд қилиб ўтилди. Жумладан, бугунги кунда Хоразм вилоятининг Урганч, Янгибозор ва Хива туманларида маҳаллий ва хорижий туристларга сифатли ва намунали хизмат кўрсатувчи бир қанча агротуризм обьектлари барпо этилган.

**Ташкилий-бошқарув омиллар.** Минтақада туристик фаолиятнинг ташкил этилиши ва уни молиялаштирилиши омилини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Хусусан, бу борада Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонида республиканинг барча минтақаларида замонавий жаҳон стандартларига, туристларнинг эҳтиёжи ва талабларига жавоб берадиган туризм индустряси обьектларини – меҳмонхоналарни ва жойлаштиришнинг шу каби воситаларини, умумий овқатланиш обьектларини, транспорт-логистика тузилмаларини, ахборот марказларини, маданият ва спорт муассасаларини жадал ривожлантириш, асосий туризм йўналишлари бўйича йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини, йўлбўйи инфратузилмасини жадал қуриш ва реконструкция қилиш, ушбу мақсадларни амалга ошириш учун хорижий инвесторларни кенг жалб этиш орқали молиялаштириш каби йўналишлар белгилаб берилган [2].

Вилоятда туристик инфратузилмани ривожлантириши борасида ҳам кейинги йилларда бир қатор ижобий ва истиқболли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2015 йилда туристларга янги сайёхлик йўналишлари тақдим қилиш борасида Хива туманида “Боғи шамол”, “Хива қоракўл” фермерлик хўжалигида, “Эшон Равот” кўлида, Богоғ туманида “Қалажиқ қалъа”, Урганч туманидаги “Улли ҳовли” обьектларида янги сайёхлик инфратузилмалари ташкил этилди.

Шу билан бир қаторда, Урганч ҳалқаро аэропорти биносини замонавий ҳалқаро стандарт талаблари ҳамда зарур инфратузилмаларни эътиборга олган ҳолда қайта таъмирлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари юксак даражада бажарилди. Янгича кутиб олиш ва кузатиш терминаллари жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий кулайликларга эга бўлди. Бу ерда кенг ва ёруғ залларга энг сўнгги русумдаги жиҳозлар ўрнатилди. Она ва бола хонаси, тиббиёт пункти, “Duty free” дўкони ва қаҳвахона шулар жумласидандир. Бундан ташқари, бинода 200 нафар йўловчи сиғимига эга транзит ҳамда “VIP”, “СИР” заллари, сайёхлар учун маҳсус, қулай хизмат тури - ахборот оғиси ташкил этилди.

Урганч шаҳридаги Шовот канали бўйида зарур инфратузилмага эга кемалар тўхташи учун маҳсус жойлар барпо этилди ва янги кемалар сотиб олиниб ишга туширилди. Хусусан, “Шовот” канали бўйида дам олиш масканлари барпо қилинди.

“Тарихий маданий мерос обьектларни таъмирлаш ва ҳолатини яхшилаш”га доир 15,2 млн. АҚШ долларига teng (5,6 млрд. сўм) 39 та маданий мерос обьектларини таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб дастур доирасида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жами 19 та обидада 6,8 млрд. сўмлик таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди.

Сайёхлар учун қўшимча обьектлар инфратузилмасини яхшилаш йўналиши бўйича Дастур доирасида вилоятда 17,25 км узунликдаги оптик-толали кабель ўтказилиб, 2304 та интернет портлари (216 таси “Иchan Қалъа” мажмуасида) ўрнатилди.

Аэропорт, темир йўл вокзали ҳамда “Иchan Қалъа” мажмуаси худудида сайёхлик обьектлари ва меҳмонхоналарда Wi-fi интернет зоналари ташкил қилинди.

“Иchan Қалъа” мажмуаси худуди, Урганч шаҳридаги меҳмонхоналарга 16 та терминал ва 3 та банкоматлар ўрнатилиб, 5 та валюта айирбошлиш шаҳобчалари фаолияти йўлга кўйилди [10].

Шунингдек, вилоят туристик инфратузилмаларни ривожлантиришда айrim ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар ҳам мавжуд.

Хусусан, минтаقا иқтисодиёти бўйича иқтисодчи олим, и.ф.н., доц. И.С.Абдуллаев билан бўлган сухбатда ҳалқаро туризм бозорида рақобатнинг ривожланиб бораётганлиги, вилоят туризм комплексида эса ривожланган мамлакатлардаги каби рақобатбардош бўлган “беш юлдузли” меҳмонхона ҳамда туристларга енгил автомобилларни ижарага берувчи корхоналарнинг йўқлиги соҳа ривожига тўсқинлик қилаётганлиги аниқланди.

Туризм бўйича иқтисодчи олим, и.ф.н., доц. Ф.О.Абдуллаев эса, вилоятга ташриф буюраётган сайёхлар асосан кексаларни ташкил қилаётганлиги ва бунга сабаб вилоятда ёшларни жалб қиласидан инфратузилмаларнинг этишмаслиги сабаб бўлаётганлигини таъкидлаб ўтди.

*Минтақанинг транспорт имкониятларига тўхталашибиган бўлсак, бугунги кунда Урганч ҳалқаро аэропортида Париж, Милан (мавсумда) ва Россиянинг Москва, Санкт-Петербург ва Волгоград шаҳарларига тўғридан-тўғри авиарейслар қатнови амалга оширилмоқда* [10]. Бундан ташқари, Президентимиз Хоразм вилоятига ташрифи мобайнида яқин йиллар ичida “Тошкент-Урганч-Хива” йўналишида “Афросиёб” тез юрар поезди қатнови йўлга қўйилишини айтиб ўтдилар. Вилоятнинг бундай транспорт салоҳиятига эга эканлиги туризм соҳасини ривожига хисса қўшади [11].

*Мамлакатимизда туризмни ривожлантиришини минтақавий режалаштириши ва бошқарии борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.* Жумладан, мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллашибтириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорида тарғибот қилиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шаклантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони сўзимизнинг исботидир [2].

Шунингдек, “Ўзбектуризм” Миллий компанияси тутатилиб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди [10]. Буларнинг ҳаммаси соҳани режалаштириш ва бошқариш асосларини белгилайди.

Туризмни ривожлантиришда минтақадаги туристларнинг хавфсизлигини таъминлаши энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, уларнинг саёҳат хавфсизлиги таъминланмаса, сайёҳ ташриф буюришдан воз кечади. Бу борада “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли Президент фармонида туризм хизматларини ташкил этишда, энг аввало, туристлар жойлаштириладиган жойларда, овқатланиш пунктларида, республика ҳудуди бўйлаб ҳаракатланишда, туризм обьектларига ташрифларни ўюштиришда туристлар ва экскурсантларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари белгилаб берилган [2].

Юқоридаги таҳлил натижаларидан келиб чиқсан ҳолда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш истиқболларини белгилаш мақсадида SWOT таҳлили амалга оширилди (5-жадвал).

### 5-жадвал

#### Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришнинг SWOT таҳлили

Кучли томонлари	Кучсиз томонлари
<b>1</b>	<b>2</b>
Йил сайин хорижий ва маҳаллий сайёҳлар ташрифининг ошиши	Хитой, корейс, япон, ҳинд тилида сўзлаша оладиган гидларнинг етишмаслиги
Туризмни ривожлантириш бўйича Президент Фармонининг қабул қилинганини	Экотуризм ва рекреацион туризм инфратузилмаларининг етарли даражада ривожланмаганлиги
<b>Имкониятлари</b>	<b>Хавф-хатар ёки таҳдидлари</b>
Агротуризмни ривожлантириш имкониятларининг мавжудлиги	Туризм соҳасига жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг жуда сустлиги сабаб, туризмни молиялаштириш маблағлари камайишининг мумкинлиги
Транспорт инфратузилмасининг янада ривожланишининг кутилиши. Жумладан, “Тошкент-Урганч-Хива” тез юрар поездининг қатнови амалга оширилишининг кутилиши	Халқаро туризм бозорида рақобатнинг кучайиши натижасида хорижий сайёҳларнинг вилоятимизга ташрифи камайиши мумкинлиги

**Манба:** Таҳлил асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

### Хулоса ва таклифлар

Вилоятнинг туризм салоҳияти яқин беш йил ичида сезиларли даражада ривожланган. Бунга энг асосий сабаб, Президентимиз бошчилигига ҳукумат аъзолари, Туризмни ривожлантириш Давлат Қўмитаси, вилоят ҳокимияти, олимлар, соҳа мутахассислари ва тадбиркорларнинг туризм соҳасини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари натижасидир.

Шу билан биргаликда соҳа ривожига тўсқинлик қилаётган бир қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, бу камчиликларни қўйидаги таклифлар орқали бартараф этиш тавсия қилинади:

- вилоятга ташриф буюраётган сайёхларнинг кўпчилик қисми асосан фақат бир хил давлатлар (Франция, Германия, Италия, Испания ва Япония)дан келишмоқда. Вилоят туризм соҳасини ривожлантиришни мақсад қилар эканмиз, вилоятнинг туризм салоҳиятини катта демографик тузилишга эга бўлган Хитой ва Ҳиндистон каби мамлакатларда янада кенг тарзда тарғибот-ташвиқот қилиб, ушбу мамлакатлардан келадиган сайёхлар сонини қўпайтириш керак;

- вилоятга Хитой, Япония, Ҳиндистон, Жанубий Корея мамлакатларидан ташриф буюраётган туристларга мазкур давлатлар тилида сўзлаша оладиган гидлар етишмаяпти. Шунинг учун, хитой, япон, ҳинд, корейс тилида сўзлаша оладиган гидларни тайёрлаш лозим;

- вилоятда туристик ресурслар ва ҳудудлар мавжудлигига қарамасдан, улардаги инфратузилмалар ҳалигача ривожланмаган. Мисол учун, Амударё бўйида экотуризм ҳамда рекреацион туризмни ривожлантириш ресурслари борлиги аниқланган, лекин ҳанузгача керакли инфратузилмалар (мехмонхона, курорт ва ҳоказо) барпо қилинмаган. Мазкур муаммога жиддий ёндашган ҳолда тезкорлик билан уни ҳал қилиш учун ечим топиш керак;

- вилоятга хос бўлган хусусиятлардан бири қишлоқ хўжалиги соҳаси бўлиб, мазкур йўналишда агротуризмни ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Шунинг учун ҳам истиқболда агротуризмни ривожлантириш, бунинг учун эса хориж тажрибаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

- вилоятга ташриф буюраётган сайёхлар, асосан кексаларни ташкил қилмоқда. Бунга сабаб, вилоятда ёшларбоп инфратузилмаларнинг етишмаслигидир. Шунинг учун, вилоятда ёшларни жалб қилувчи туристик инфратузилмаларни (жумладан, хостел<sup>1</sup>) яратиш лозим;

- вилоятнинг туризм комплексида беш юлдузли меҳмонхонанинг йўқлиги юқори даромадли туристларнинг воҳамизга ташриф буюришдан бош тортишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун, хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда вилоятда беш юлдузли меҳмонхоналарни барпо этиш керак;

- вилоятга ташриф буюраётган сайёхларга қулайлик яратиш мақсадида ривожланган мамлакатлардаги каби енгил автомобилларни ижарага берувчи корхоналарни ташкил қилиш лозим. Бу эса, вилоятнинг туризм жозибадорлигини ошириш билан биргаликда туристик хизматларнинг қўпайишига қулай замин яратади;

- вилоятнинг туризм салоҳияти фақатгина БТТ (Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти) интернет сайтида ([www.unwto.org](http://www.unwto.org)) реклама қилинмасдан, бошқа энг кўп кириладиган интернет сайтларда ҳам реклама қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, минтақада туризм соҳасининг ривожланиш шартларини моделлаштириш (4-жадвал) ва моделдаги барча омилларни комплекс тарзда ривожлантириш истиқболда туризм соҳасини ривожланиши учун таъсир

<sup>1</sup> Хостел – ўз меҳмонларини қисқа ёки узоқ мuddатга кўшимча қулайликларсиз (фақат ётоқ билан таъминлаган ҳолда) меҳмонхонага жойлаштиришнинг Европача тизими. Хостелда ўзига ўзи хизмат кўрсатиш амалга оширилади ва шароитлар умумий бўлади [12].

қиласидиган мураккаб дастур, метод ва йўналишларни ифодаловчи самарали минтақа сиёсатини шакллантиришга кўмак беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишлиланган кенгайтирилган мажлиси”даги маъruzаси//Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда қабул қилинган ПФ-4861-сон фармони.
3. Хоразм вилоятини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш стратегияси. – Тошкент, 2014.
4. Тўхлиев И.С., Қудратов F.X., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик.-Тошкент, «Иқтисодиёт-молия» нашриёти. 2010.-254 бет.
5. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма: Учеб. пос. — М.: Финансы и статистика, 2003. - 176 с.
6. Зорин И.В., Квартальнов В.А. Энциклопедия туризма. — М.: Финансы и статистика, 2003. – 368 с.
7. Зализняк Е.А., Региональный туризм: Основные признаки и условия развития, Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 3, Экон. Экол. 2011. № 2 (19).
8. Винокуров М.А., Что такое туризм?/научная статья- [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com)
9. Хоразм вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари.
10. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат Қўмитаси Хоразм вилояти худудий бошқармасининг маълумотлари.
11. [www.xorazm.uz](http://www.xorazm.uz) сайти.
12. [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org) сайти.